O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 6-FEVRAL ■ PAYSHANBA ■ 15 (27.035) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

● ОБОД МАҲАЛЛА — МАМЛАКАТ КЎРКИ

Муқаддас маскан

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Шарифхўжа Мансурхўжаев номли маҳалла ҳаётидан лавҳалар

Ватан остонадан бошланади. Миллат оилада камол топади. Халқимиз қон-қонига сингиб кетган меҳр, мурувват, оқибат каби инсонийлик тамойиллари, боқий анъана ва удумлар маҳалла мактабида шаклланади. Ўз-ўзини бошқаришнинг бу ноёб тизими асрлар оша сайқал топиб, мукаммаллашиб бормоқда. Бу институт ўз атрофига турли миллатларни, ҳар хил касб эгаларини жамлаган. Уларни ҳалоллик, ўзаро ҳурмат, тотувлик, тўй-ҳашам, маърака маросимларда елкадош бўлиш туйғуси бирлаштириб туради.

Юртбошимиз томонидан 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши, бу тизимдаги эзгу ишларни янада бойитиш имконини берди. Ҳар бир инсоннинг маҳалладошлари олдидаги бурч ва масъулиятини янада оширди. Маҳалла билан ҳисоблашмасдан турли тадбир ва маросимларни ўтказиш, исрофгарчиликлар, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби иллатлар юзасидан аниқ чоратадбирлар белгилаш ҳам долзарб аҳамият касб этди.

Юнусобод туманидаги Шарифхўжа Мансурхўжаев номли маҳаллада 4500 киши истиқомат қилади. Бу масканда ги 1115 хонадоннинг ҳар бири фаоллар эътиборида. Уларнинг соғлиғи, иқтисодий аҳволи ташвиш-ўйлари ўртада. Ўтган 2002 йилда қам таъминланган оилаларга 814,300 сўм миқдорида моддий ёрдам ажратилди. Шунингдек, 2 ёшгача бўлган фарзанди бор аёлларга тўрт миллион сўмдан зиёд, вояга етмаган болалар учун салкам беш миллион сўм маблағ тарқатилган.

— Маҳалла аҳли фақат давлат томонидан ажратилган ёрдам ва нафақа пулларига қараб туришгани йўқ. Ўтган йили ҳомийлар томонидан тўпланган 140000 сўм маблағ аҳолининг турмуши оғир қатламига бўлиб берилди. Бундан ташқари ҳомийлар ёрдамида ўз кучимиз билан гузар бунёд этдик. Маҳалладошларимиздан Маҳмуд Толипов, Раъно Обидова, Фазлиддин Ғиёсов, Маҳмуд Болтабоев, Ибратилла Зохидов, Шукур Мулдабоевлар эл корига яраш моқда. Худудимиздаги 25-оилавий поликлиника маъмурияти билан аҳоли соғлиғини яхшилаш йўлида мунтазам алоқадамиз. Маҳалламиз болалари таълим-тарбия олаётган 63-ўрта мактаб муаллимлари билан маданий, маърифий тадбирларни ҳамкорликда ўтказяпмиз. Фарзанд тарбиясида мактаб, маҳалла ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Ҳозир ҳомийларимиз ёрдамида мактаб спорт майдонини таъмирлаш ишларига киришганмиз. Маҳалладаги барча тадбир ва маросимлар фаоллар маслаҳати ва таклифига биноан ўтказилади. Эркин Юсупов, Малик Абувалиев, Эркин Умаров, Шохиддин Абдувахобов, Барно Қодирова, Раъно Бобоева, Марҳамат Усмоновалар барча юмушларнинг бошида туриб, маҳалладошларимизга ибрат бўлмоқдалар, — дейди маҳалла оқсоқоли Шукур Толипов.

Маҳаллада қад ростлаган оталар чойхонаси, сартарошхона, новвойхона, янги гузар замондошларимизнинг эзгу мақсадлар йўлида дадил ҳаракат қилаётганларини кўрсатади.

Юртбошимиз эътироф этганларидек инсоннинг, оиланинг маънавий олами ундан хабардор бўлиш, уни англаш, бу руҳий дунёга қўполлик билан аралашмасдан, унинг ижобий асосда шаклланишига нозиклик билан таъсир ўтказишда маҳалладек идорага тенг келадиган бошқа бирон-бир восита йўқ.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: 1. Мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги; 2. Тандир тўлиб ёпилди нон; 3. Участка нозири маҳалла фуқароларининг паспортини кўздан кечирмоқда; 4. Қайнона-келин муросаи мадор; 5. Маҳалла чойхонасидаги гурунглар шоҳмотсиз ўтмайди.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

● ШАРҲ

Тарих, талқин ва равнақ

ҲАМКОРЛИКНИНГ 600 ЙИЛЛИК СИНОВ ЙЎЛЛАРИ

1403-1405 йиллар Испания Қироллигининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Самарқандда — Амир Темур саройида бўлган кезларидаги ҳаётини ўз кундалигида бир гал бундай сўзлар билан бошлаган: ***«1404 йил, олтинчи октябрь, душанба куни. Саропарда чодирлар. Подшонинг чодирига яқинлашганимизда бизни бир шийпонга ўринлаштирдилар...»*** *(«Амир Темур ва Улуғбек — замондошлари хотирасида», Тошкент, 1996 йил.)*

Бу сатрларни биз ҳозир шунинг учун келтирдикки, Соҳибқирон саройида Испания Қироллиги элчиси анча вақт яшаганлигига ва у ўз замонасининг таниқли тарихчиси ҳамда дипломати сифатида бу ерда самарали фаолият кўрсатганлигига, ўз навбатида Испания қироллигига Амир Темур томонидан Муҳаммад Ал-Қозий элчи қилиб тайинланганлигига ва шу асноларда Соҳибқиронинг муборак имзолари билан Испания Қиролига ёзган мактуби Мадридда ҳамон эъзоз билан сақланаётганлигига, энг муҳими — Ўзбекистон ва Испания ўртасида ўша кўҳна замонларданоқ қалин ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилганлигига ишора қилмоқчимиз.

Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов 27 январь куни давлат ташрифи билан Испания Қироллигига жўнаб кетаётиб, Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюсида ҳам қайд қилиб: ***«Ўша вақтда нафақат Испания, балки бутун Европа Клавихо асарлари орқали мамлакатимиз, бу заминда яшовчи халқларни таниган. Амир Темур давлатида юритилаётган сиёсат, минтақамиздаги сиёсий жараён, халқимизнинг маданияти ва илм-фанда эришган ютуқларидан бохабар бўлган. Шу нуқтаи назардан қараганда, икки мамлакат халқлари қадимдан бир-бири билан яхши алоқада бўлган, дейишга тўла асос бор»,*** *— дедилар.*

Эҳтимол, шунинг учун Президентимизнинг Испания қироллиги хонадони — «Сарсуэло»да Қирол Хуан Карлос Биринчи билан учрашувининг илк лаҳзаларидаёқ эски қадрдонлар дийдорлашувидек самимий тус олди. Агар сўнгги олти-етти кунлик телекўрсатувларни диққат билан кузатиб борган бўлсангиз, Испанияда бўлиб ўтган барча учрашувлар ва суҳбатларнинг дилкашлиги ҳамда ишчанлиги — Юртбошимизнинг ташриф олдидан: ***«Испания жўғрофий жиҳатдан нисбатан бизга узоқ мамлакат бўлса-да, Ўзбекистон учун яқин давлатлардан бири»*** *— деган сўзларининг исботи бўлди.*

Суҳбатларда бундан 600 йил муқаддам боғланган ҳамкорлик ришталари икки томонлама муносабатлар ва халқаро муаммоларга доир долзарб масалалар, маданий, маърифий ҳамда иқтисодий алоқалар доирасида ўтган бу галги учрашувда яна қайта боғланганидек, жонлангандек, шоирона айтганда, яна қайта жило топгандек бўлди.

Ҳа, бир вақтлар Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг нигоҳи етган испанлар юртининг ҳозирги 40 миллиондан ошиқроқ аҳолиси ишлаб чиқараётган ЯИМ — ялпи ички маҳсулот ҳажми 600-700 миллиард АҚШ долларига тенглиги, бу — мазкур мамлакатнинг дунё иқтисодиётида тутган ўрни ва салоҳиятини яққол кўрсатиб турувчи мисолдир.

Гарчанд, бугунги кунда Ўзбекистон — Испания ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик салмоғи ва кўлами рақамлар кўзгусида у қадар бўй кўрсатолмаса-да, Юртбошимизнинг мазкур ташрифидан сўнг, ҳозир атиги олтитагина бўлган ҳамкорликдаги қўшма корхоналар сони бундан кейин 60-70 тага кўпайишига, савдо-сотиқ ривожи жаҳон андозалари даражасига чиқишига, испан ишбилармонлари ва банклари сармояларининг кўплаб миқдорда жалб этилишига, шубҳа йўқ. Бунинг учун қулай ва ўзаро манфаатли имкониятларнинг катта-катта дарвозалари очилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

● ЯНГИ РУКН: МИЛЛАТ ҒУРУРИ, ВАТАН ИФТИХОРЛАРИ

«Катта мақсад сари йўлга чиққан сайёҳман»

— Ўзбек ёшлари имконни, фурсатни қўлдан берманг, дунёни кўринг, ана шунда Сиз Ўзбекистонни, биз қандай авлод ворислари эканлигимизни чуқурроқ тушуниб етасиз! — дейди Парижда таҳсил олаётган юртдошимиз, иқтидорли созанда Дилшод НАЗАРОВ

У мусиқадан дастлабки сабоқни Тошкентдаги Успенский номли мусиқа мактабида виолончелдан олди. Дунёга чиқишга интилган йигит сўнгра Париж олий консерваториясида таҳсилни давом эттирди.

Бугун Дилшод Назаровнинг ноёб истеъдодига европалик мусиқа ихлосмандлари қойил қолишмоқда. Бундан ҳар биримиз фахрланса, ғурурланса арзийди. Дунёнинг катта санъат саҳнасига дадил кириб бораётган ҳамюртимиз билан куни кеча телефон орқали боғландик.

— Алло! Алло, Дилшод...

— Ассалому алайкум.

— Ваалайкум ассалом! Как...

Беғубор кулгу эшитилади. Сўнгра у қувноқ оҳангда ўзбекча гап бошлади ва биринчи бўлиб савол берди:

— Ўзбекча гапириш нақадар яхши! Сизларни яхши эшитяпман, Тошкентдагилар яхшими? Қуёш чарақлаб тургандир?..

— Ҳа, ҳа, бизда ҳаммаси яхши. Дилшод, аввало шуни айтишим керакки, Париж олий консерваториясида илм олиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Лекин унинг масъулияти, талаби ҳам шунга яраша. Қийналмадингизми?

— Қийин! Талаб катта. Ишлаш керак, тинимсиз изланиш, ўқиш керак. Лекин кимдаки мақсад аниқ бўлса; бу қийинчиликни енга олади.

— Айтинг-чи, парижлик талаба учун қайси бири кўпроқ муҳим: мутахассис, ўқитувчиларнинг машғулотими ёки мустақил ўқишми?

— Мустақил ишлаш ўта муҳим ҳисобланади. Ўқитувчи ҳаётий фалсафанинг, билимнинг «таржимони», «гид», яъни «йўлбошловчи»дир. У талабага йўлни кўрсатади, холос. Лекин у сени қўлингдан етаклаб чорраҳадан ўтказиб қўймайди. Мен билим олишни ўзим учун забт этилмаган чўққидай тасаввур этаман. Устоз, ўқитувчи менга тўғри сўқмоқни кўрсатади. Лекин чўққига чиқиш учун ўзим интиламан, эгри-бугри, паст-баландидан тер тўкиб ўтаман. Таҳсил жараёни шундай. Мураббий бехатар аниқ ва яқин йўлга йўлланма беради. У сизни кузатиб, назорат қилиб бормайди. Бу эса талабани мустақил ишлашга ундайди. Бизнинг таълим жараёнимизга ҳам айнан шуни қўллаш керак, деб ўйлайман. Биласизми, яна бир томони созанда учун мустақил ишлаш, ўқиш ва изланиш профессионалликка элтувчи, унга тезроқ яқинлаштирувчи энг тўғри йўл. Бу муҳим!

— Қандай танлов ва концертларда қатнащдингиз?

— «Комриф» миллий танловида қатнащдим. Кўпгина концертларда иштирок этдим. Яккахон созанда сифатида концерт бердим, оркестрда, камер ансамблида соз чалдим. Ғурур билан айтаман — улар Франциянинг энг нуфузли залларида бўлди. Париж олий консерваториясининг Катта, Париж олий инженерлар мактабиятининг Катта, Нотр-Дамда, Сарбон университетининг Катта амфитеатридаги концертлар менда олам-олам таассурот қолдирди.

(Давоми 2-бетда.)

Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Р.Алимов Украина Президенти Л.Кучмага Ишонч ёрлиқларини топширди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимидан кейин бўлиб ўтган мулоқот чоғида икки томонлама муносабатлар истиқболлари муҳокама этилди.

«Жаҳон» АА

● ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО...

Пенсия пулига лотерея қўшиб берилмайди

Вилоят ҳокимлигининг бир гуруҳ мутахассислари томонидан Учқўрғон туман Катта-Моғол қишлоғида яшовчи фуқаро А.Деҳқоновнинг таҳририятга ёзган шикоят хати ўрганиб чиқилди.

Учқўрғон туман, Катта-Моғол қишлоқ фуқаролар йиғинида пенсионерлар орасида мониторинг ўтказиб, унинг натижаси бўйича хат муаллифи билан суҳбатлашилди.

Вилоятда 2002 йил ноябрь ойи пенсия тўловларини молиялаштириш ва нақд пул билан таъминлаш 5 декабрда якунланган. Шу куни А.Деҳқоновнинг пенсияси ҳам тўланган. Хатда почта ходимлари томонидан пенсия пулларига ҳар хил лотереялар қўшиб берилиши тўғрисидаги шикоят ўз тасдиғини топди ва туман почта бўлинмаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Онахон Тожибоева ўз вазифасини бажаришда йўл қўйган камчиликлари учун лавозимидан бўшатилди.

Пенсия, нафақа ва маошларни ўз пайтида бериш масаласи барча шаҳар ва туман мутасаддиларига қаттиқ тайинланди ва ушбу масала назоратга олинди.

Вилоят ҳокимлиги пенсия ва нафақалар тўланишида масъулиятсизликка йўл қўяётган мутасаддиларга нисбатан кескин чоралар кўрилишини маълум қилади.

А.БОЛТАБОЕВ,
Наманган вилоят ҳокимининг ўринбосари

Диққат!

«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги «Сиртқи қабул соатлари»

Ижтимоий таъминот ва меҳнат масалалари бўйича саволларингиз борми?

Агар сиз мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида аҳолининг ижтимоий муҳофазаси, таъминоти, меҳнат шароити, берилган ҳуқуқ ва имтиёзлари борасида ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсат, шунингдек, пенсия, нафақа, стипендия, моддий ёрдам, иш стажи, хорижга бориб ишлаш тартиблари ва шу сингари масалаларда саволларингиз, таклиф-мулоҳазаларингиз бўлса навбатдаги ***СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАР****имизга марҳамат!*

Сизни қизиқтирган барча саволларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири ***Оқилжон ОБИДОВ*** *жавоб беради.*

Саволларингизни хат, шошилинчнома, факс ёки телефон орқали беришингиз мумкин.

Манзилимиз: 700000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, ***«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»*** *газетаси таҳририяти.*

Телефонлар: *133-20-36, 133-12-56,*
факс: *133-47-80.*

Саволларингиз 10 февралга қадар қабул қилинади.

Экспорт — мамлакат таянчи

Тойлоқ туманида «ТОНИ-ГРЕЕН» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси иш бошлади. Корхонада асосан Тойлоқ ва қўшни туманларда етиштирилаётган мева-сабзавот қайта ишланиб, махсус идишларга қадоқланади. Қўшма корхонада сифатга катта эътибор қаратилади. Негаки, бу ерда тайёрланадиган маҳсулотлар «Made in Uzbekistan» тамғаси билан фақат хорижга экспорт қилинади. Бу ерда 100 нафар киши меҳнат қилмоқда.

Ғани СОДИҚОВ

Бизнес Банк
энг яхши анъаналарда
BUSINESS BANK

ДИАЛЕКТИКА

Ҳар иш бир-бирига боғлиқ туюлгай,
Агар ерни ўйсанг — тупроқ уюлгай.
Сенинг қовоғингдан қор ёғса агар,
Менинг кўзларимдан ёмғир қуюлгай.

Абдулла ОРИПОВ,
2003 йил 20 январь

ШАРҲ

Тарих, талқин ва равнақ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Масалан, ҳозирданоқ мамлакатимизда ўнлаб молиявий лойиҳалар Испания ажратаётган кредитлар асосида амалга оширилмоқда. Хусусан, ташриф кунлари бу ерда Ўзбекистон билан Испания ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битим, иқтисодиёт, таълим вазирликлари, Ташқи сиёсат маҳкамалари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Шунингдек, Парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва икки мамлакат ишбилармон доираларини яқинлаштириш истиқболлари белгилаб олинди.

Сайёҳлик соҳасида ҳам ёрқин манзиллар очилмоқда. Дунёда сайёҳлик тизими кенг ривож топган мамлакатлардан бири – Испания ушбу тармоқнинг ўзидан йилига 34 миллиард АҚШ долларига тенг даромад кўради. Демакки, Ўзбекистон халқи ҳам мазкур тизимда ўз ишларини испанлар тажрибаси асосида ташкил этса, ер юзининг сайқали таърифини олган табаррук Самарқанд, кўҳна ва навқирон Бухорои шариф, очиқ музейларимиз – Хива, Шаҳрисабз сингари яна кўплаб тарихий шаҳарларимизда туризмни ривожлантириш ҳам мамлакатимиз иқтисодиётига катта самаралар бериши турган гап. Қолаверса, ташриф кунлари айни шу масалада Жаҳон Сайёҳлик Ташкилоти (ЖСТ) раҳбарияти билан ҳам музокаралар ўтказилиб, ижобий келишувларга эришилди.

Хуллас, пойдеворига олти юз йил муқаддам тамал қўйилган Ўзбекистон – Испания алоқалари ва муносабатларининг яна қайта уйғонаётганлигини, икки мамлакат, икки халқ ўртасидаги ҳамкорлик биноси яна қайта муҳташам тарзда тикланаётганлигини, қадимий дўстлигимиз ҳамда биродарлигимиз ришталари такрор боғланаётганлигини ва улар айни XXI аср бошида – Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётганлигини бугун бутун жаҳон равшан кўриб турибди.

Олти юз йиллик ҳамкорлик – бу, олти юз йиллик тарих, олти юз йиллик синов йўлларидир.

«ПЎЛАТ ИЗ»ЛАР – ИҚТИСОДИЁТИМИЗ КУЧ-ҚУВВАТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган ҳафта қабул қилган «Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон» янги темир йўл линияси қурилишини жадаллаштириш тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида юз берган муҳим тарихий воқеалардан бири бўлди дейиш жоиз. Негаки, темир йўллар ҳар қандай мамлакатда азал-азалдан иқтисодиётнинг асосий таянчи, ижтимоий ҳаётнинг ишончли суянчи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади.

Шу маънода, мазкур қарор – кўзда тутилган янги темир йўл линиясидаги «Тошгузар – Деҳқонобод», «Бойсун – Қумқўрғон», «Деҳқонобод – Бойсун» участкалари қурилишини жадаллаштиришда давлат ва халқ манфаати ҳамда тарихий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга ҳужжатдир.

Ўтган йили Навоий – Учқудуқ – Мискин – Тўрткўл – Султон Увайстоғ – Нукус темир йўли линиясида ишга туширилган янги «пўлат из»лар қисқа вақт ичидаёқ мамлакатимиз иқтисодиётига миллиард-миллиард сўмларга тенг ҳажмда моддий-молиявий ресурслар тушириб улгурганини ёки минг-минглаб йўловчиларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилганини бир тасаввур қилиб кўринг!

Шубҳа йўқки, «Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон» янги темир йўл линияси қурилиши ҳам мамлакатимиз транспорт коммуникациялари ривожида муҳим босқич бўлиб хизмат қилади. Айниқса, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида қулай шарт-шароитлар яратиши билан бирга табиий ер ости бойликлари конлари заҳираларини ўзлаштиришга ҳам туртки беради. Амалга оширилиши кутилаётган янги салоҳиятли лойиҳалар рўёбини тезлаштиради ва айни пайтда жанубий минтақаларимиз инфратузилмасига, шунингдек, ўнлаб-юзлаб аҳоли манзилларига муқаррар мунавварлик, равнақ бағишлайди.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

ЯНГИ РУКН: МИЛЛАТ ҒУРУРИ, ВАТАН ИФТИХОРЛАРИ

«Катта мақсад сари йўлга чиққан сайёҳман»

— Ўзбек ёшлари имконни, фурсатни қўлдан берманг, дунёни кўринг, ана шунда Сиз Ўзбекистонни, биз қандай авлод ворислари эканлигимизни чуқурроқ тушуниб етасиз! — дейди Парижда таҳсил олаётган юртдошимиз, иқтидорли созанда Дилшод НАЗАРОВ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ҳаётимдаги яна энг қувончли чиқишим – Испаниянинг Сан-Себастьян шаҳридагиси бўлди. Ёки Архангел черковидаги чиқишимиз. Жанубий ҳудуддаги концерт заллари Францияда нуфузли ҳамда «бадавлат» заллар ҳисобланади. Бу нуфузли мусиқа майдонларида ҳар бир чиқишим менга саҳна маданиятини ўргатди. Париждаги бир неча ибодатхоналарда бўлдим, буни айтаётганимнинг сабаби, европаликлар, парижликлар энг сара асарларни ибодатхоналар саҳнасида намойиш этишади.

Созга келсак, менда «катта саҳнабоп» соз йўқ. Лекин «кичик саҳна»га мўлжалланган шахсий виолоньчелим билан ҳам «катта саҳна»ни забт этишга уринягман. Албатта, бунинг учун мен бошқалардан 5-10 баравар кўпроқ куч сарфлайман. Лекин бу менга жиддий тўсиқ бўлолмайди, айтдим-ку, мен катта мақсад сари йўлга чиққан сайёҳман деб.

— Дилшод, сиз муваффақиятли қатнашган охирги танлов ижодий фаолиятингизда қандай из қолдирди?

— Биринчи навбатда танлов ва концертлар созанданинг профессионал савиясини, маҳоратини оширишга хизмат қилади. Истеъдоднинг икки қанотисиз, яъни изланиш ва курашсиз иқтидор ҳеч нарса беролмайди. «Катта саҳна»нинг «қолиг»и шафқатсиз бўлади, сал бўшашсангиз дарҳол сизни четга «улоқтириб» ташлайди. Яна бир муҳим томони, танлов ва концертларда мухлислар билан юзлашаман ва албатта менга «талабгор» чиқади, шартномалар имзоланади. Яъни моддий имкон эшиги очилади. «Тинчлик учун!» дастурида қатнашиб, очиғи, катта сабоқ олдим. Халқаро миқёсда ўтган ушбу дастурда дунёнинг турли халқ бастакорларининг куй-қўшиқлари ижро этилди. «Она сайёрани омон сақлайлик!» дея куйладик. Мен араб ва яҳудийларнинг асарларини ижро этдим. Маъқул топишди. Биласизми, мен ўшанда ўз бастакорларимиз ҳам бу борада ажойиб куй-қўшиқлар яратганини эслаб, шуларни ижро этмаганимдан бироз ўкиндим. Ва кейинги анжуманларда ўзимизнинг бастакорлар яратган асарларни ижро этишни режалаштирдим. Буни дастурга киритишни ҳайъатга таклиф қилмоқчиман. Албатта, бу иш осон кечмайди, лекин маҳорат жиҳатидан биз улардан қолишмаймиз!

Мен дастурдан жуда таъсирландим. Мазкур дастурда Ўзбекистон қатнашмаса ҳам лекин бу борада катта ишлар қилинягпти.

Шу ўринда алоҳида таъкидламоқчиман: ҳали ҳам баъзи ёшларимизнинг ўз олдига қўйган мақсади йўқ. Катта имкониятлардан фойдалана олмаётган тенгдошларим бор. Сиздан илтимос, менинг шу фикримни албатта ёзинг:

«Ўзбек ёшлари имконни, фурсатни қўлдан берманг, дунёни кўринг, ана шунда Сиз Ўзбекистонни, биз қандай авлод ворислари эканлигимизни чуқурроқ тушуниб етасиз!»

— Дилшод, кўнглингиз тўқ бўлсин, бу эзгу даъватингизни ўзбек ёшларига албатта етказамиз. Айтинг-чи, Европа, Париж ёшлари кўпроқ қайси мусиқага қизиқади? Рок? Поп? Рок-поп? Мумтоз мусиқагами?

— Европа ёшлари худди биздагидек ҳар хил мусиқага қизиқади. Лекин ҳаммаси фақат жонли ижронигина эшитади. Улар минидискларни уйда эшитади.

Дўстларим кўп. Кузатишимча маънавияти бой, серфикр ёшлар асосан мумтоз куй, қўшиқларга қизиқади. Биласизми, Париж ёшлари мусиқа эшитишга алоҳида вақт ажратишади. Улар ўта нозиктаъб, талабчан тингловчи.

— Яккахон созанда сифатида сизни европаликлар қандай кутиб олишяпти?

— Ҳозирча яхши! Концертдан сўнг ёнимга келишади, табриклашади, қизиқишади. Ёзда жанубий Францияда бўлиб ўтган концертдан сўнг тингловчилар оёққа туриб бир неча соония олқишлашди. Шу куни менга «талабгор»лар билан бир неча шартнома имзоланди. Шунақа гаплар!

— Билишимизча, Америкада бўладиган танловда ўз дастурингиз билан қатнашар экансиз. Шундайми? Тайёргарлик қандай кетяпти?

— Дастуримни қайта-қайта кўриб чиқаяпман, камчиликларини тўлдираяпман. Дастур юксак профессионал савияда бўлиши шарт. Шошма-шошарлик қилиб, кейин афсусланишни истамайман. Чунки бу танловдан умидларим катта.

— Дилшод, шу нарса аёнки, Ватандан қанча йироқлашсанг, шунча қадри билинади. Уйни қўмсаяпсизми?

— Буни сўрашга ҳожат йўқ. Парижда яшаб туриб, билдимки, юртим, Тошкентим, уйим мен учун нақадар азизлигини. Бу туйғуни сўз билан айтиб бўлмайди. Соғинч...

— Тенгдошларингизга, истеъдодли ёшларимизга тилакларингиз?

— Сизда нимагадир қобилият борми, интилинг, курашинг, эришасиз. Дунёни кўришга, чуқурроқ англашга ҳаракат қилинг. Хориж-хориж деган билан ҳеч нарсага эришиб бўлмас экан. Энг аввало, ўз тарихимизни, кимлигимизни чуқур билиб олишимиз керак экан. Ахир Президентимиз: «Тарихий хотирасиз келажак йўқ!» деб бежиз айтмаганлар. Агар ўзлигингизни англамасангиз Сизни хоржда «билмайди». Қўл қовуштириб ўтирсангиз, бу ерда ҳеч ким эмассиз, биров сиз учун жон куйдирмайди.

Бошқа юртга ҳавас қилиш яхши. Лекин ўз юртингнинг равнақи учун битта фойдали иш қилиш ундан яхши. Билганим шуки, бугунги ёшлар профессионал маҳорати билан Ўзбекистоннинг эртасини белгилайди.

Суҳбатдош: Саида САЙХУН



Суратда: Дилшод ота-онаси — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, бастакор Анор Назаров ва Матлуба Раҳимова ҳамда укаси Қаҳрамон билан.

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали

2003 йил 7,14 февраль кунлари кимошди ва танлов савдоларини ўтказади

Кимошди савдоларида:

Якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган мерос қилиб қолдирадиган қуйидаги ер участкаларининг эгалик ҳуқуқи сотилади.

— Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64 м ва Г-38 м кўчаларида жойлашган, сатҳи 0,04 га бўлган, ҳар бирининг бошланғич нархи — 640 000 сўмдан, жами 37 та.

— Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 0,04 га, бошланғич нархи — 1 648 000 сўм бўлган 13 та, сатҳи 0,02 га, бошланғич нархи — 824 000 сўм бўлган 1 та.

— Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Спутник» даҳасида жойлашган уй-жой бинолари орасидаги бўш ётган ва ёнган уйларнинг пойдеворлари эгаллаб турган Спутник-1 мавзеси 58- ва 61-уйлар орасида, Спутник-8 мавзеси 28-уй ёнида, 42-, 45- ва 46-уйлар олдида, 59- ва 60-уйлар орасида, Спутник-9 мавзеси 11- ва 12-ҳамда 7- ва 8-уйлар орасида, 31, 47-уй ёнида, Спутник-1 мавзеси 60-уй манзилида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,03 га, бошланғич нархи — 714 000 сўм, Спутник-3 мавзеси 49-,52-,60-уй манзилида, Спутник-2 мавзеси, 51-,52-уй манзилида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,018 га, бошланғич нархи — 428 400 сўм.

Шунингдек, Шайхонтоҳур тумани коммунал фойдаланиш бошқармасига қарашли бўлган Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 617-уйда жойлашган, бошланғич нархи — 13 482 000 сўм ёки 17 975 АҚШ доллари бўлган «Таъмир қурилиш бўлими» шўъба корхонаси қўйилади.

ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА:

Яккасарой тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 6-уйда жойлашган, бошланғич нархи — 12 923 000 сўм ёки 18 854 АҚШ доллари бўлган 264-сонли ҳамда Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қаландар кўчаси, 14-уйда жойлашган, бошланғич нархи — 30 247 100 сўм ёки 36 884 АҚШ доллари бўлган 60-сонли болалар боғчалари қўйилади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш.

2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.

3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.

4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.

5. Боғча биносини ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.

6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.

7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.

8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.

9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Ушбу объектларга аризалар қабул қилиш савдолардан уч кун аввал тўхтатилади.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр 16-А.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

ЎЗХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИДАН

■ ***Зомин туман партия кенгаши*** *ташаббуси билан ҲДПдан сайланган депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди. Туман Кенгаши депутатлари — А.Содиқов, Х.Мирзабеков ва Ф.Нишоновлар сайловчилар билан учрашиб, депутатлар томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида сўзлаб, аҳолининг ижтимоий масалаларга оид саволларига атрофлича жавоб бердилар.*

■ ***Қоракўл тумани*** *«Иттифоқ» маҳалласида ўтказилган йиғилишда халқ депутатлари туман Кенгашидаги ҲДП депутатлик гуруҳи раҳбари Х.Сатторов депутатлик фаолияти тўғрисида сайловчилар олдида ҳисобот берди.*

■ ***Норин туман партия кенгаши*** *ҳам маҳаллаларда ўтказаётган суҳбат ва учрашувларга депутатларни жалб қилмоқда. Мазкур тадбирларда «Обод маҳалла йили»да амалга ошириладиган хайрли ишлар аниқ белгилаб олиниб, уларнинг бажарилиши бўйича амалий ҳаракатлар қилинмоқда.*

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

■ ***Учқўрғон туманидаги*** *Қўғай ҳудудий партия ташкилоти ташаббуси билан ёшлар иштирокида гиёҳвандлик оқибатларини очиб берувчи, таъсирли фикр-мулоҳазаларга бой давра суҳбати ўтказилди.*

■ ***ХДП Балиқчи туман кенгаши*** *ёшлар ўртасида «Миллий истиқлол ғояси ва ёшлар» мавзуида давра суҳбати ўтказди.*

■ *Яқинда* ***Оқдарё тумани*** *ҳокимлиги ҲДП туман кенгаши ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида маҳалла болалари ўртасида футбол, шоҳмот ва югуриш мусобақалари ўтказилди. Ғолиб жамоаларга туман ҳокимлиги ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.*

■ ***Бўз туманидаги*** *«Бобур» ҳудудий партия ташкилоти туман тиббиёт коллежи ўқитувчи ва талабалари иштирокида «Ватан туйғуси – муқаддас» мавзуидаги маданий-маърифий учрашувни уюштирди.*

Наврўзга пешвоз

Бугун Бухорода ўзгача ғайрат-шижоат. Қадимий шаҳардан тортиб, олис қишлоқларгача ҳамма бел боғлаб ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришдек савобли ишга қўл урган. Бунинг замирида қадимий байрам – Наврўзи оламга бўлган меҳр-мурувват ётади. Бунинг устига мусулмон оламида чуқур ҳурмат ва эътирофга сазовор бўлган хўжа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари таваллудининг 900 йиллик тўйи ҳам яқин. Бундай байрамларни гулга безаниб кутиб олганга не етсин. Шу боис биргина Бухорои шарифнинг кўча ва хиёбонларида ўн тўрт мингга яқин атиргул, кўплаб ҳар хил манзарали ниҳоллар ўтқазилди.

Ҳазрат хўжа Абдулхолиқ Ғиждувоний юртига олиб борувчи қарийб 60 километрлик катта асфальт йўл атрофига ҳам кўплаб гул кўчатлари экиляпти. Хуллас, ҳар куни яшариш, янгиланиш. Ҳамма Наврўзи оламни муносиб кутиб олиш тараддудида яшаяпти.

Даврон БАҲРОНОВ

Айрим банклардаги

ЁКИ ВАЛЮТА АЙИРБОШЛАШ ШАХОБЧАЛАРИДАГИ

Ўтган-кетганда кўзингиз тушган бўлиши керак: Банклар олдида тўпланган одамларга. Валюта айирбошлаш шахобчаларида бундан бир ҳафта олдин ҳам, бугун ҳам ўша таниш чеҳраларни кўришингиз мумкин. Хўш, нега шундай? Нега айнан бир хил одамлар банклар эшиги олдида ўралашиб юрибди? Қизиқ ҳолат. Нега доллар олувчилар асосан аёллар? Тўғри, навбатда турганларнинг маълум қисми ўз жамғармасидаги пулни долларга алмаштириб қўйишни афзал кўраётгани ҳам бор гап. Очиғини айтиш керак, доллар олувчилар орасида «ёлланма» харидорлар оз эмас.

Булар-ку кўчадаги гаплар. Хўш, банкнинг ичида қандай «ўйин»лар бўлаётир? Тартиб-қоидага кўра, валюта қимматлигини сотиш қатъий ҳисобда турадиган, тўлдирилгандан сўнг назоратчи, хазиначи ва шахсан мижознинг ўзи томонидан имзоланиши шарт бўлган маълумотнома асосида амалга оширилади. Аммо баъзи банк ходимлари бу қоидани «унутган»га ўхшайди. Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ва ўтказиш каби қонунбузилишларни аниқлаш ҳамда олдини олиш борасида жойларда қандай тадбирлар кўриляпти? Мақола шу ҳақда.

ПАСПОРТ БИРОВНИКИ, ИМЗО ЭСА СОХТА

Миразим ҲАМИДОВ, Тоҳир ХОЛИҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти бўлим бошлиқлари:

— Мамлакатимизда доллар олди-сотдиси бўйича қатъий тартиб белгиланган. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талаблари ижросини таъминлаш юзасидан ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютани мажбурий сотув тартибига риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш Департамент органларининг муҳим вазифаларидан бири. Шу мақсадда валюта алмаштириш шахобчаларида содир этилаётган ноқонуний ишларни аниқлаш борасида тезкор тадбирлар ўтказилаётир. Ўтказилган текширишлар натижасида сўнгги икки ойда банк муассасалари раҳбарлари ва ходимлари томонидан содир этилган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича ўттиздан зиёд жиноят иши қўзғатилди. Мисол учун «Тадбиркорбанк» акциядорлик тижорат банкининг Бухоро вилоят бошқармаси бош ҳисобчи муовини Шоҳрух Юсуповнинг кўра-била туриб ноқонуний иш қилганлигини қандай оқлаб бўлади? У фуқаро Х. Рашидов номига сохта ҳужжатлар расмийлаштириб 1000 АҚШ долларини чўнтагига урганида қанчалар қувонганди. Афсуски, қувончи узоққа чўзилмади.

«Йўғе, наҳотки, – дейди Х.Рашидов банк ходимининг бу ишидан ҳам аччиқланиб, ҳам ажабланиб. – Долларнинг юзини кўрган эмасман».

«Замин» банкнинг Қорақалпоғистон бўлимидаги «ҳангома»ни эшитганлар ёқа ушлаши мумкин. Маълумотномада гўёки Ж.Мамбетмуродов, Р.Нуренов, М.Жуманиязов ва Ж.Баекеевалар валюта алмаштириш шахобчасидан доллар олган эмиш. Ваҳоланки, банк ходимларининг ўзлари уларнинг номига қалбаки ҳужжат тўғрилаб «атиги» 4500 доллар олишган экан, фош бўлди. Худди шунга ўхшаш ҳолат, яъни хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш каби нохуш воқеалар «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Андижон вилоят бўлимида ҳам содир этилган, десак баъзилар ишонмаслиги мумкин. Ҳақиқатан ҳам мазкур банкнинг мансабдор шахслари фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига қасддан зиён етказишган. Бўлмаса, улар Абдулҳамид Парпиевга 1000 АҚШ доллари ҳамда Баҳодир Худойбердиевга 600 АҚШ доллари сотилган, дея сохта ҳужжат тузишмасди.

«Тадбиркорбанк»нинг Сирдарё вилоят бошқармаси бошлиғи муовини Мурат Разакбергеновнинг «юраги» катта экан. У ўз мансаб ваколатидан четга чиқиб бир эмас, икки кишининг номидан валюта олибди. Мирзаобод туманида яшовчи И. Зульфанов ва Д. Ҳакимовларнинг ҳар бири 1000 АҚШ долларидан олди, деб маълумотнома тўлдириб, 2000 «кўки»ни олганлиги маълум бўлди.

Ўтказилган текширишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, валюта алмаштириш шахобчаларидаги айрим банк ходимлари, асосан хизмат вазифаларини суиистеъмол қилган ҳолда белгиланган тартибдаги маълумотномани сохталаштириб, фуқаролар номига валюта олиб, кейинчалик уни юқори нархларда сотишган. Яна бир нохушлик шундан иборатки, банк ходимлари доллар олиш учун мурожаат қилаётганлардан қўшимча маблағ олишган, уларнинг таниш-билишлари ва қариндошларига валюта олиб беришда «ҳомий»лик қилаётган ҳоллари кузатилаётир. Департамент органлари ходимлари шунга ўхшаш ҳар қандай қонунбузарликларга қарши курашда қатъий чоралар кўришмоқда.

ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАР ТАҲЛИЛИ

Олимжон ИСАЕВ, Қиёмиддин ТОШМУРОДОВ, Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси масъул ходимлари:

— Дарҳақиқат, суиистеъмолчилик, алдаш, ноқонуний ишнинг охири вой. Бунга пойтахтимизда аниқланган валютага оид жиноятлар таҳлили ҳам далил бўла олади. Ўтказилган текширув рейдлари давомида сўнгги ойнинг ўзида валютага оид 29та ҳуқуқбузарлик аниқланди. Натижада 12474 АҚШ доллари, 2500 АҚШ доллари қийматидаги йўл чеклари, 10.611.000 сўм нақд пул, 23 дона умумий қиймати 10800 АҚШ доллари турадиган аёллар қоракўл мўйнали шубаси, 2 дона «Тико» автомашинаси ва бошқа кўплаб ашёвий далиллар олиб қўйилди.

● БОЛАЛАР СПОРТИ

СОҒЛОМ миллат ва авлод орзуси

Мустақиллик йилларида юртимиз ўғил-қизларининг қаддини кўтарадиган, бўй-бастини дунёга кўрсатадиган жуда кўп хайрли ишлар қилинди. Назаримда бу эзгу ҳаракатларнинг энг муҳими – фарзандлар саломатлигини таъминлаш, баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказиш билан боғлиқ кенг кўламли ишлар бўлди.

Кейинги ўн бир йилда мамлакатимизда бири биридан муҳташам, жаҳон андозаларига мос юзлаб спорт иншоотлари бунёд этилди. Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон», «Жар», республика Миллий банки спорт-соғломлаштириш мажмуалари, вилоятларда қад ростлаган замонавий теннис кортлари, Бухоро шаҳрида барпо этилган муҳташам замонавий стадион каби кўпдан-кўп спорт иншоотларини шўро замонида ҳатто орзу қилиш ҳам қийин эди. Агар биз бугун бу спорт мажмуаларини бир-бир айлансак, улар асосан ёш авлодга хизмат қилаётганининг гувоҳи бўламиз.

Бугун фарзандларимиз жисмоний камолоти билан боғлиқ тарбиявий ишлар мактаб, лицей ва коллежларда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида изчил давом эттирилмоқда. Шуни алоҳида айтиш керакки, ўтган давр ичида ёшларни жисмонан баркамол этиб тарбиялашнинг ўзига хос янги тизими яратилди. Буни мамлакатимиз миқёсидаги «Умид ниҳоллари» (мактаб ўқувчилари орасида), «Баркамол авлод» (лицей ва коллеж талабалари доирасида), «Универсиада» (олий ўқув юртлари талабалари ўртасида) мусобақалари ва уларнинг қувончли натижалари мисолида яққол кўриш мумкин. Қанчадан-қанча ёшларимиз «ўзига хос кичик олимпиада», деб ном олган бу нуфузли ўйинларда ўзларининг истеъдодини намоён этди, иродалари тобланди. Улар аниқ мақсад сари интилишга, қийинчиликларни сабот ва бардош билан енгиб ўтишга ўрганди. Ўзларининг ҳеч кимдан кам эмасликларига ишонч ҳосил қилиб, янги парвозларга тайёрланди.

Мустақил Ўзбекистон спортчилари илк маротаба иштирок этган 1992 йил Лиллехамер(Норвегия)да ўтган қишки олимпиадада фристайлчимиз Лина Черязова Ватанимизга биринчи олтин медални тухфа этганди. Сўнгра юртимиз спортчилари қатор қитъа, жаҳон чемпионатлари, Осиё ўйинларида муваффақиятли қатнашдилар. Музаффар ҳамюртларимиз шарафига халқаро майдонларда мадҳиямиз янграб, Ўзбекистон байроғи сарбаланд бўлди. Бу ютуқлар орасида, энг салмоқлиси 2000 йили Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтказилган Олимпия ўйинларида қайд этилди. Ушанда боксчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Шунингдек, ушбу Олимпия ўйинларида эркин курашчи Артур Таймазов кумуш, Рустам Саидов бронза медалларига сазовор бўлишди. Агар мустақил бўлмаганимизда бу йигитларимизга олимпиадага боришнинг ўзи ҳам насиб этмасди.

Президентимизнинг ташаббуси билан миллий курашимиз дунё миқёсига чиқди. Кураш бўйича Осиё, Европа ва жаҳон чемпионатлари ўтказилди. Ҳозир дунёнинг 63 мамлакатида кураш федерациялари ишлаб турибди.

Ҳозирда Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Ирода Тўлаганова, Рустам Қосимжонов, Эркин Қуттибоев, Оксана Чусовитина, Иброҳим Ҳамроқулов, Акобир Қурбонов, Ўткирбек Ҳайдаров каби ўнлаб жаҳон ва олимпия чемпионлари, Осиё ўйинлари ғоблиари Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, Ўзбекистон довруғини дунёга ёйётган экан, шунинг ўзиёқ ёшлар ўртасида спортни тарғиб этишга хизмат қилади.

Оққан дарё оқмасдан қолмас, дейди доно халқимиз. Бугун ҳам юртимизда минглаб истеъдодли ўғил-қизлар ўсиб-улғаймоқда. Эндигина ўн уч ёшга кирган Юлдуз Ҳамроқулова ана шундай иқтидорли ёшлардан. У аллақачон шоҳмот бўйича тўрт марта Ўзбекистон чемпиони бўлишга улгурган. Юлдуз ҳозирда Жиззах шаҳридаги Алишер Навоий номли 3-мактабнинг 8-синфида ўқийди. 1999-2001 йилларда Испанияда шоҳмот бўйича ўтган жаҳон чемпионати иштирокчиси. 2001 йилда Ҳиндистоннинг Биканер шаҳрида ўтказилган Осиё биринчилиги бронза медали совриндори. Ўтган йилнинг ноябрь ойида Грециядa бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 11 имкониятдан 6,5 очко жамғариб, қизлар ўртасида энг яхши кўрсаткичга эришди.

– Спорт туфайли дунёнинг кўплаб шаҳарларида бўлдим, – дейди Юлдуз. – Дўстларимнинг кўпчилиги менга ҳавас билан қарашади. Шундай пайтларда уларни ҳам спортнинг бирор тури билан шуғулланишга даъват қиламан. Қанийди, дўстларимнинг барчаси спорт билан шуғулланса. Бунинг учун юртимизда ҳамма шароит муҳайё. Энг катта орзуим юртимиз қизлари орасидан жаҳон шоҳмот маликаси чиқса, дейман...

Юлдуз Ҳамроқуловага ўхшаган истеъдодли фарзандларимиз оз эмас. Тўғри, ҳамма ҳам жаҳон спорт юлдузи бўлавермайди, аммо спорт ёшларни соғлом, бақувват ва иродали қилиб тарбиялашига шак-шубҳа йўқ.

Президентимизнинг «Ўзбекистонда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва унинг ижросига доир Вазирлар Маҳкамасининг қароридан кўзланган асосий мақсад ҳам энг аввало, соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган. Масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бундан буён спорт ҳар бир оиланинг, ҳар бир одамнинг доимий ҳамроҳига айланади.

Албатта, инсон оилам, бола-чақам, деб яшайди. Фарзандлари бахтини кўриш – ҳар бир ота-онанинг орзу-ҳаваси. Шундай бўлгач, қайси бир оила ўғил-қизлари соғлом, баркамол бўлишини истамайди, дейсиз. Президентимизнинг бу эзгу ҳаракати халқимиз томонидан астойдил қўллаб-қувватланаётгани мана шу билан изоҳланса, ажаб эмас. Халқимиз азал-азалдан ўз зотиз-урриёди саломатлиги тўғрисида ўйлаган. Улуғ мутафаккир Абу Наср Фаробий: «Ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганаман, деса, уни ёшлигидан бошласин, соғлиги ҳақида қайғурсин...», деб таъкидлайди.

Ибн Сино ҳазратлари ҳам ёш наслнинг жисмоний ва маънавий камолотига алоҳида эътибор қаратган, жисмоний машғулот, бадан тарбия инсон руҳиятини тетиклаштиришини уқтирган. Шунингдек, у ҳар доим мўътадил бадан тарбия билан шуғулланган одам турли дардлардан холи бўлишини алоҳида таъкидлайди.

Ўз олдимизга буюк келажак яратишдек улуғ мақсадни қўйганмиз. Юртбошимиз таъкидлаганидек, соғлом авлодгина бундай улкан ишга журъат этади. Соғлом авлодни тарбиялаш эса кўп жиҳатдан жисмоний тарбия ва спортга боғлиқ. Дунёни идрок этиш ва ўз-ўзини тарбиялаш тажрибадан келиб чиқади. Шундай экан, болалар спортини ривожлантириш катта тарбиявий мактаб яратилишига хизмат қилади. Лекин бу хайрли иш фақат спорт мутасаддиларининг иши эмас, балки маҳалла оқсоқоллари, ота-оналар, умуман, ҳар биримизнинг вазифамиз, деб ўйлайман.

«Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман, – дейди Юртбошимиз. – **Буюк давлатни фақат соғ миллат, соғлом авлодгина қура олади».**

Дилбар САИДОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда

Маълумки, 1 февраль куни Америкининг Columbia фазовий кемаси ерга қайтиб тушаётиб портлаб кетган, натижада экипаж аъзоларининг барчаси ҳалок бўлган эди.

Сешанба куни Хьюстондаги Жонсон коинот марказида мотам маросими бўлиб ўтди. Унда АҚШ Президенти ва унинг рафиқаси, NASA раҳбари Шон О'Киф ҳамда ҳалок бўлган 7 астронавтнинг оила аъзолари, дўст-биродарлари ва бошқалар қатнашдилар.

Бундан 17 йил аввал ҳам самода портлаб кетган Chellengerнинг ҳалок бўлган экипажи билан худди шу жойда рамзий видолашув ўтказилганди.

Шу кунларда NASA экспертлари фазовий кема ҳалокатининг сабабларини аниқламоқдалар. Шу билан бирга экипажнинг жасадлари ва Columbiaнинг синган парчалари қидирилмоқда. Унинг синиқлари жуда катта майдонга – 5 та штат ҳудудига сочилиб кетган.

NASA ходими Роб Навиаснинг сўзларига қараганда, дейилади CNN телекомпанияси ахборотида, ҳозиргача экипаж таналарининг бир неча қисмлари топилган, холос. Уларнинг генетик экспертизаси Пентагон лабораторияларидан бирида ўтказилади. Ракетанинг топилган парчалари эса Техас штатидаги Форт-Уэрта ҳарбий базасида ҳамда АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг Луизиана штатидаги Барксдейл базасида ўрганилади.



Рада рад этди

Украина Радаси мамлакат Президенти Кучмага нисбатан ишончсизлик (импичмент) эълон қилиш масаласининг парламент мажлиси кун тартибига киритилишини рад этди.

Импичмент масаласи парламентдаги муҳолиф фракция томонидан илгари сурилган эди. Бироқ уни парламент мажлиси кун тартибига киритиш учун овозга қўйилганда, у етарли овоз ололмади, дея хабар беради «Эхо Москвы».

Ўз дипломатларини чақириб олмоқда

Ироққа қарши уруш бўсағасида турган АҚШ ҳукумати террорчилик актлари содир этилиши мумкинлигини назарда тутиб, Кувайт ва Саудия Арабистонидаги ўз дипломатларини чақириб олишга қарор қилди.

АҚШ давлат департаменти томонидан бу мамлакатлардаги элчихона ва консулхоналарнинг дипломатия вакиллари ҳамда уларнинг оилалари мамлакатдан чиқиб кетишга кўрсатма олди. Шунингдек, давлат департаменти Кувайт ва Саудия Арабистонига боришни ихтиёр этган ҳамда у ерда яшаётган Америка фуқароларини огоҳликка чақирди.

Бу ҳақда AFP агентлиги хабар тарқатди.

Ўн йилда бир марта

Охирги ўн йилда энди биринчи марта Италиянинг пойтахтига қор ёғди, дея хабар беради ИТАР-ТАСС агентлиги. У тезда эриб кетди, бироқ автомобиль йўлларида тузуккина мушкулликларни келтириб чиқарди.

Об-ҳавони кузатиш маркази берган маълумотларга кўра, Скандинавиядан Апеннинга совуқ ҳавонинг келиши Рим ва унинг атрофларида қиш изғиринини бошлаб берган.

«Миробод бозори» ОАЖ акциядорлари диққатига!

«Миробод бозори» очиқ акциядорлик жамияти 2003 йил 5 март куни 2002 йил якунлари бўйича акциядорларнинг навбатдаги умумий йиллик мажлиси ўтказилишини маълум қилади.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2002 йил молиявий ва хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2002 йил молиявий ва хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2003 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2003 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида.

Акциядорларнинг умумий мажлиси бозор маъмурияти биносида соат 16.00 да бошланади.

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 15.00 дан бошлаб амалга оширилади.

Бизнинг манзил: Нукус кўчаси, «Миробод бозори» маъмурияти биноси.

Умумий мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2003 йил 3 февраль ҳолати билан ёпилади.

Жамият Кузатув Кенгаши

«Миробод бозори» ОАЖ баланси (минг сўм)

АКТИВ		
1. Узоқ муддатли активлар		
Асосий воситалар: Бошланғич (қайта тиклаш) қиймат (01,03)	2654579,7	1018565,0
Эскириш (02)	65849	29853,6
Қолдиқ қиймат (010-011)	2588730,7	988711,4
Капитал қўйилмалар (07,08)	2155,3	—
Уюшма корхоналаридаги акциялар (06)	45,0	45,0
I-бўлим бўйича жами	2590931	988756,4
Ишлаб чиқариш заҳиралари	3766,1	5639,7
Олиб сотиладиган товарлар	7827,7	3601,5
Келгуси давр асарфлари	146908,9	152007,3
Пул маблағлари	16410,0	1354,6
Қисқа муддатли қўйилмалар	2600,0	2600,0
Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар	23310,4	17333,8
Бюджет билан ҳисоблашишлар	270,2	444,9
Бошқа дебиторлар	2367,7	3446,4
II-бўлим бўйича жами	203461	186428,4
ЖАМИ	2794392	1175184,8
ПАССИВ		
Устав капитали	40746,5	40746,5
Резерв капитали	2014398,2	364200,4
Тақсимланмаган фойда	23908,9	9001,3
Мақсадли тушум ва фондлар	695533,9	750533,9
I-бўлим бўйича жами	2774587,5	1164482,1
МАЖБУРИЯТЛАР		
Мол етказиб берувчилар	1429,8	2180,9
Бюджет бўйича қарзлар	6373,0	5676,4
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	1117,6	1197,1
Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар	189,5	17,5
Хўжалик ичидаги ҳисоблашишлар	669,1	1006,7
Бошқа кредиторлар	10026,1	624,1
II-бўлим бўйича жами	19805,1	10702,7
ЖАМИ	2794392	1175184,8

Даромадлар ва харажатлар ҳисоби

	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
	даромадлар (фойда)	харажатлар (зарар)	даромадлар (фойда)	харажатлар (зарар)
Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум	163688,8		149809,5	
Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум (010-020-030-040)	163688,8		149809,5	
Сотилган маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи		54055,4		36672,6
Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан тушган ялпи фойда (зарар) (050-060)	109633,4		113136,9	
Сотиш харажатлари		3264,9		3758,4
Маъмурий харажатлар		43932		62029,1
Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлари ва харажатлари	62436,5		47349,4	
Бошқа олинган дивидендлар	573,1		14	
Молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва харажатлари	40202,6		42469,4	
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (110+120+125+130+135+140+145)	103212,2		89832,8	
Даромад (фойда) солиғи тўлангунга қадар фойда (зарар) (150+160)	103212,2		89832,8	
Даромад (фойда)дан солиқ		1918,7		2662,2
Юқоридаги моддаларга кирмайдиган бошқа солиқ ва ажратмалар		77384,6		78169,3
Ҳисобот даврида соф фойда (зарар) (170-180-190)	23908,9		9001,3	

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «Salqin Merkuriy ichimligi» хусусий фирмаси 2003 йил 1 мартдан ўз фаолиятини қайтадан бошлайди.

● ҚИНҒИР ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

«ўйин»лар

НОҚОНУНИЙ ИШЛАР ҲАҚИДА

Энди бевосита банклардаги ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар хусусида қисқача тўхталсак. Татьяна Сергеева Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Бектемир туман бўлимига қарашли валюта алмаштириш шахобчасида назоратчи бўлиб ишлайди. У эндигина шу шахобчага ғазначи бўлиб ишга кираётган Юлия Илюшина билан тезда «опоқ-чапоқ» бўлиб олгани бекор эмас экан. Улар тартибга зид ҳолда доллар олди-сотдиси билан шуғулланувчи Ёқуб Каримов деган шахснинг «қармоғи»га «илинган». Ёқуб Каримов олиб келган бегона аёл паспорти бўйича Юлия Илюшинанинг ўзи имзо чекиб, 1500 АҚШ долларини қуртдай санаб олишади.

Баъзи одамларга ҳайронмиз. Айрим фуқаролар арзимас пул эвазига тилёғлама, фирибгарлар тузоғига илинаётган далиллар афсуски, сўнгги вақтларда кўпроқ қайд этилаётир. Чилонзор туманида шунга ўхшаш воқеалар рўй берган. Гули исмли аёл ўзгалар ишончини суиистеъмол қилишда «тажрибали» экан. У алдаш йўли билан банклардан бошқа фуқаролар номига жуда кўп миқдордаги АҚШ долларини расмийлаштириб, «қора бозор»да сотиб фойда кўриш учун олган. Бунинг эвазига эса ҳар бир фуқарога 1000-1500 АҚШ доллари олиб берганликлари учун 5000 сўмдан 15000 сўмгача «мукофот» берган. Бир мисол. У фуқаро Андрей Хутарной номига АББ «Трастбанк»нинг «Тошкент» филиалига қарашли валюта айирбошлаш шахобчасидан 1500 АҚШ долларини расмийлаштириб, эвазига унга 12000 сўм берган. Суриштирувда маълум бўлдики, Гули аслида Гулчеҳра Шомансурова деган аёл экан.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманида яшовчи Абдуғофур Воҳидов «иш»нинг кўзини биларкан. У бирданига тўрт фуқаро номига 6000 АҚШ доллари олишга уринганди, «иш»нинг пачаваси чиқди. Шу куни ҳар бири 25000 сўмлик «мукофот»дан умидвор тўрт фуқаро уйига қуруқ қайтди.

Ачинарлиси шундаки, айрим фуқароларимиз ҳали ҳам алдашларга, ваъдаларга ишониб банкка келиб ўз номидан ўзгаларга валюта олиб беришаяпти. Натижада улар билиб-билмай ноқонуний ишларга аралашиб қолишяпти. Ўзини, ўз ҳақ-ҳуқуқини билганлар эса адашмайди.

«КЎКИ»ГА ҲИРС ҚЎЙГАНЛАР

Баҳодир ЗИЛЯЕВ,
Наманган вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи:

– Наманган вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаш борасида ўтказилаётган изчил тадбирлар натижасида қатор қонунга зид ишлар аниқланди. Бу хилдаги жиноятларнинг аксарияти банкларда содир этилаётганлиги ташвишланарли.

Фахриддин Ризаев АИТБ «Ипак йўли» банки Наманган минтақавий филиали «Халқаро ҳисоблар ва носавдо» бўлимида хазиначи бўлиб ишлайди. «Давринг келди, даврининг сур», деб ўйлади шекилли, белгиланган тартиб-қоидага хилоф равишда Поп туманида яшовчи Аъзамжон Маматмуродов номига 400 АҚШ долларига ҳужжат расмийлаштириб, «ким билиб ўтирибди», дея қалбаки имзо қўйворди ва 400 долларни чўнтагига урди. Бу ҳолва экан. Фахриддин Ризаев янада кўпроқ долларни ўзлаштириш мақсадида ҳамкасби – АИТБ «Ипак йўли» банки Наманган минтақавий филиали назоратчиси Нодира Бобоевага гап очганди, у ҳам дарров рози бўлди. Улар бу гал Давлатобод туманида яшовчи Ихтиёр Ортиқов паспортидан фойдаланиб, унинг номига оз эмас, кўп эмас 1500 АҚШ долларига ҳужжат тузишиб, сохта имзо қўйишди. Ана «бизнес», мана «бизнес». Нодира Бобоева ҳам анойи эмас экан. Ўзи банкда назоратчи бўлса-ю «операция» қилолмаса. Бу нима дегани?! Дарров Давлатобод туманида яшовчи фуқаро Олеся Ходжиева номидан 500 АҚШ долларига имзо чекиб юборди. Нодирахон хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб бировларнинг номидан сохта имзо қўйиш жиноят эканлигини билмаган дейиш тўғримас. Негаки, у олий маълумотли мутахассис. Бироқ, нафс балоси, доллар уни йўлдан ургани аниқ. Бўлмаса у ноқонуний иш қилармиди? Нодира Бобоева бу гал каттароқ «иш»га қўл урди. Наманган туманидаги «Ирвадон» фермер хўжалиги раҳбари Абдиғаппор Зайбиддинов билан Нодира Бобоева қандай танишган, бизга қоронғу. Аммо қонунга зид иш қилишгани аниқ.

А.Зайбиддинов фермер хўжалигида ишловчи Азизбой Қодиров ва Баҳодир Халиловларнинг паспортини «Сизларнинг номингизга омонат қўяман», деб алдаб олиб тўғри банкка борди. Нодира Бобоева уни хушнуд кутиб олди.

– Яшанг, – деди у. – Икки паспорт билан бемалол 3000 доллар олса бўлади. Мен керакли қоғозларни тўлдираман, сиз эса ўхшатиб «подпись» қўйсангиз бас. 3000 «кўки» чўнтагимизда деяверинг.

Бу галги «операция» баракали бўлди. Шерикларнинг ҳар бири 1500 АҚШ долларидан бўлиб олишди. Аммо банк назоратчисининг фаолияти назоратсиз қолмади. Кўп миқдордаги валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олганлиги фош бўлди.

«Кўки»га ҳирс қўйганлардан яна бири ДАИ «Замин» банки Наманган ҳудудий филиалининг валюта айирбошлаш шахобчаси назоратчи кассири Аҳад Фозиловнинг ҳаракатини ҳам ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Негаки, у Наманган давлат университетида хазиначи бўлиб ишловчи Алижон Асқаров билан тил бириктирди. Янгиқўрғонлик Шавкат Икромов номига 1000 АҚШ доллари олишганида охири вой бўлишини хаёлларига ҳам келтиришмаган кўринади. Бўлмаса, бегона фуқаро паспортига, тағин қалбаки имзо билан доллар олишармиди?

Умуман олганда, валютага оид жиноятлар кўп ҳолларда банкда, банк ходимлари иштирокида содир этилаётганлиги ташвишланарли ҳолат. «Кўки»га ҳирс қўйиб қонунни, тартиб-қоидани четлаб ўтишга уриниш жиноятга етаклайди. Жиноят эса жазосиз қолмайди.

«Ўзбекистон овози» махсус мухбири Равшан ШОДИЕВ тайёрлади

Аъло уруғ – аъло тола демак

«Навоийпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси харидоргир уруғлик чигит тайёрлаш режасини уддалашди. Режадаги 6 минг тонна ўрнига 6,5 минг тонна сифатли, сара уруғ тайёрланди. Бу ўтган йилга нисбатан минг тонна кўп демакдир. Жами тайёрланган уруғликнинг 3500 тоннаси айтарли дорилаб бўлинди. Яна бир муҳим жиҳати 250 тоннага яқин уруғликнинг талаб даражасида туксизлантирилганлигидир.

– Толалик даражаси ҳамда чўзилувчанлиги, қолаверса, момиқлиги юқори бўлган пахтага хорижда талаб катта, – дейди бирлашма раиси Абдужаббор Асадов. – Ана шундан келиб чиқиб бу йил «Бухоро-6», «Оқдарё-6», «Ан-Боёвут-2» навли уруғлик чигитни кўпроқ тайёрланишини таъминладик. Уруғлик чигит сифати ва самарадорлиги сабаб ҳозирдаёқ нафақат вилоятимиз, балки Жиззах ва Қорақалпоғистонликлардан ҳам буюртма олдик.

Муаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Сержило тафаккур дурдоналаридан*

ФРИДРИХ НИЦШЕ – НЕМИС ФАЙЛАСУФИ. 1844-1900 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

(Давоми. Боши олдинги сонда.)

● *Жуда ақлли кишиларнинг саросимага тушганларини кўрганларида, уларга ишонқирамай бошлайдилар.*

● *Ёлғиз қолганимизда барчани ўзимиздан соддадилроқ, деб тасаввур қиламиз: шу тарзда яқинларимиздан тиним топамиз.*

● *Уни ўзингга мойил қилишни хоҳлайсанми? Ўзингни унинг олдида довдираб қолаёттгандай қилиб кўрсат.*

● *Маҳлуқлар билан курашаётган кишининг ўзи маҳлуққа айланиб қолишдан эҳтиёт бўлмоғи керак. Мабодо, сен жарликка узоқ боқаётган бўлсанг, унда жарлик ҳам сенга боқаётган бўлади.*

● *Ўзи ҳақида кўп гапириш – шунингдек, ўзини билдирмасликнинг воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.*

● *Чувалчанг, уни босиб олганларида, чамбарак бўла бошлайди. Бу оқилоналиқдир. Бунинг билан у уни яна босиб олишлари эҳтимолини камайтиради. Ахлоқ тилида: итоаткорлик.*

● *Фақат инсон гравитация (тортилиш кучи) йўналишига қаршилик кўрсатади – у ҳамиша юқорига йиқилишни хоҳлайди.*

● *Одамларнинг йўлбошчиси бўлишни истаган киши, каттагина вақт оралиғида, улар орасида хавфли душман, деб ном чиқарган бўлмоғи лозим.*

● *Бу қанчалик бешафқат эшитилмасин, қуйидаги ҳақиқатни тан олайлик: қулчилик маданиятни ривожлантириш учун зарур; бу – борлиқнинг мутлақ қадриятига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайдиган, ҳақиқат. Агарда, Юнонистон ундаги қулчилик туфайли қулади, дейиш жоиз бўлса, бошқа: биз қуллар йўқ эканлиги учун ҳалок бўлаётирмиз, деган фикр бундан анча адолатлироқ бўлган бўларди.*

● *Давлат қандай вазифани бажаради? Бу – жамиятни мустаҳкамлайдиган пўлат.*

● *Қийналиш ҳақиқатга эришишнинг энг тез усулидир.*

● *Дунёда учта нарса мени тинчлантириши мумкин, аммо, булар ноёб тасаллилардирлар: менинг Шопенгауэрим, Шуман ва якка ўзимнинг сайрларим.*

● *Биз нимани излаяпмиз? Тинчликними, бахтними? Йўқ, у қанчалик қўрқинчли ва жирканч бўлмасин, танҳо ҳақиқатнигина.*

● *Қачонлардир ҳаммаси ўз поёнига етади – менга энди уни кўриш насиб этилмаган, узоқдаги кун келади; ўшанда менинг китобларимни очадилар ва менинг ўқувчиларим бўлади. Мен улар учун ёзишим керак, улар учун мен асосий ғояларимни якунлашим зарур. Ҳозир мен кураша олмайман – менда, ҳатто, душман йўқ.*

● *Подаларда ҳеч қандай яхши нарса йўқ, ҳатто, улар сенинг ортингдан чопганларида ҳам.*

● *Ким ўз замонаси томонидан ҳужум остига олинса, у ҳали уни ортда қолдириб кетмаган – ёки ундан орқада қолган.*

● *Одамларнинг кўпчилиги манфаатпараст бўлиш учун ўта омидирлар.*

● *«Ўз яқинингни севгин», бу – авваламбор: «Ўз яқинингни тинч қўйгин!» – дегани. – Эзгуликнинг нақ мана шу қисми энг кўп қийинчиликлар билан боғлангандир.*

● *Агар кимнидир тузламоқчи бўлсанг, унинг тўғрисидаги қандайдир ҳақиқатни айтиш етарли.*

● *Бизни ўзимиз битгандан кўпроқ нарсага ўргатиши мумкин бўлган китобни топиш сира осон эмас.*

● *Адаштирманглар: актёрлар кам мақтанилганликларидан, ҳақиқий одамлар – кам севилганликларидан ўладилар.*

● *Агар эр-хотинлар бирга яшамаганларида эди, бахтли никоҳлар кўпроқ учраган бўларди.*

● *Бизнинг бурчимиз, бу – бошқаларнинг биздаги ҳуқуқи.*

● *Аёл болаларни эркаклардан кўпроқ тушунади, бироқ, эркак киши, аёлга қараганда, кўпроқ боладир.*

● *Мусиқасиз ҳаёт хато бўлган бўларди.*

● *Янги мусиқа учун янги қулоқлар керак.*

● *Билиш – таркидунёчиликнинг бир шакли.*

● *Таркидунёчи эзгуликдан муҳтожликни яратади.*

● *Кечириш қўлидан келмайдиганларни кечириш мумкин эмас.*

● *Ғолиблар тасодифга ишонмайдилар.*

● *Мутаассиблар ёрқиндирлар, инсониятга эса, далилларга қулоқ тутганга қараганда, имо-ишораларни кўриш ёқимлироқ.*

● *Тилчи, бу – секин мутолаа муаллими.*

ТОМАС ВУДРО ВИЛЬСОН – АҚШНИНГ 28-ПРЕЗИДЕНТИ. 1856-1924 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

● *Агар сизнинг хабарномангизни ўқишларини истасангиз, уни бир саҳифада ёзинг.*

● *Эркинлик ҳеч қачон ҳукуматдан келиб чиқмайди. Эркинлик ҳамиша унинг фуқароларидан келиб чиқади... Эркинлик тарихи – ҳукумат ҳокимиятининг ортиши эмас, балки, уни чеклаш тарихидир.*

● *Эркинлик тарихи, бу – қаршилик кўрсатиш тарихи.*

● *Оч қоринга Парвардигорга ҳамду санолар ўқиш ва яқинингни севиш мушкул.*

● *Агар оми одамнинг қирол бўлиши мумкин бўлса, қироллиқда аллақачон демократия экан, деб ўйлама.*

● *Агар душман орттирмоқни истасанг, ниманидир ўзгартиришга уриниб кўр.*

Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси

*Рукн газетанинг 2001 йил 27 октябрь сонидан бошлаб берилмоқда.

● КУРАШ

Кучлилар Жиззахда сараланди

1986-87 йилларда туғилган курашчилар ўртасида Жиззахда Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди. Мусобақада барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридан ташриф буюрган икки юз нафардан ортиқ полвон гиламга чиқди.

Йигитлар ўртасидаги баҳсларда тўққиз вазн тоифаси бўйича ғолиблар аниқланди. Муросасиз ўтган курашларда Аъзам Бобомуродов (60 кг., Бухоро), Ғулом Маҳмудов (65 кг., Самарқанд), Темур Эшқурбонов (71 кг., Сурхондарё), Дилшод Субҳонов (77 кг.), Ислом Юнусов (83 кг.), Ўктам Чориев (90 кг.), Ҳамид Отажонов (+90 кг., барчаси Бухородан)ларга тенг келадигани топилмади.



Қизлар беллашувида эса Дилфуза Хўжақулова (52 кг., Андижон), Сурайё Мусаева (57 кг., Тошкент шаҳри), Қундуз Жўраева (63 кг., Қашқадарё), Эльвира Умирова (70 кг., Самарқанд), Дилноза Қамбарова (+70 кг., Андижон)лар бош соврин соҳибаси бўлишди.

Лазиза ОРИФХЎЖАЕВА

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИДА

ўтган ҳафтада ўтказилган биржа савдоларида жами 13 та кўчмас мулк 275 433 500 сўмга сотилди, булардан 2 таси давлат объекти бўлиб, 183 600 000 сўмни ташкил этди.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Кодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти партия Марказий Кенгаши матбуот котиби Ё.А.Исоқовага онаси

Олия ая ФОЗИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот котиби Ё.А.Исоқовага онаси

Олия ФОЗИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миробод туман кенгаши Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши бўлим мудири, партия фаоли Улуғбек Пўлатовга онаси

ТЎХТАХОН аянинг

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институти қошидаги «Молия академик лицейи» жамоаси шу лицейнинг инглиз тили ўқитувчиси Умида Рашидовага отаси

ҲОТАМБОЙ аканинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институти Ўзбекистон география жамияти ва география бўлими ходимлари лаборатория мудири, география фанлари доктори, профессор

Асом Алимович РАФИҚОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия билдирадилар.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Савдолар 2003 йил 13, 20, 27 февраль, 6, 13, 20, 27 март кунлари соат 11.00 да республика Биржалар марказ биносида ўтказилади.

Савдоларга Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда жойлашган «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси таркибидаги «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компаниясига қарашли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчалари эркин муомаладаги валютага қўйилади:

Тошкент шаҳрида жойлашган:

1. Собир Раҳимов тумани, Тошкент халқа йўлининг Сағбон — Охунбобоев қисми, 18-19 километрида жойлашган 106-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (106-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 224100,0 АҚШ доллари.

2. Чилонзор туманида жойлашган 121-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (121-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 107838 АҚШ доллари.

3. Бектемир тумани, Водник даҳасида жойлашган 124-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (124-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 100886,0 АҚШ доллари.

Тошкент вилоятида жойлашган:

1. Чиноз тумани, «Тошкент — Термиз» автошоссесининг 46-километрида жойлашган 15-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (15-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 74731,0 АҚШ доллари.

2. Ўрта Чирчиқ тумани, «Янги Тўлқин» жамоа хўжалиги, Тўйтепа трассасида жойлашган 54-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (54-КАЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 37355 АҚШ доллари.

3. Оҳангарон тумани, Тошкент — Ангрен трассасида жойлашган 67-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (67-КАЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 39802 АҚШ доллари.

Бухоро вилоятида жойлашган:

Бухоро вилояти, Жондор туманида жойлашган 15-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (15-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 32047 АҚШ доллари.

Самарқанд вилоятида жойлашган:

1. Каттақўрғон тумани, Зарафшон хўжалиги, «Тошкент — Самарқанд — Бухоро» трассасида жойлашган 5«А»-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (5«А»-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 35952 АҚШ доллари.

2. Пайариқ тумани, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида жойлашган 3-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (3-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 105448,8 АҚШ доллари.

3. Самарқанд тумани, Гулистон ширкат хўжалигида жойлашган 4-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (4-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 38318,9 АҚШ доллари.

4. Жомбой тумани, Деҳқонобод ширкат хўжалигида жойлашган 32-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (32-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 88086,0 АҚШ доллари.

5. Нуробод тумани марказида жойлашган 8-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (8-КАЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 29027,5 АҚШ доллари.

6. Пахтачи тумани, Хумор қўрғонида жойлашган 24-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (24-КАЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 41679,9 АҚШ доллари.

7. Иштихон тумани марказида жойлашган 85-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (85-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 55691,0 АҚШ доллари.

8. Пастдарғом тумани, Улуғбек жамоа хўжалигида жойлашган 38-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (38-КАЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 49724,7 АҚШ доллари.

9. Қўшработ тумани, Зармитон қўрғонида жойлашган 68-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (68-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 25000,0 АҚШ доллари.

10. Окдарё тумани, «Самарқанд — Бухоро» автомагистрали бўйида жойлашган 61-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (61-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 35000,0 АҚШ доллари.

11. Нарпай тумани «Мирбозор» қўрғонида жойлашган 6-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (6-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 61186,0 АҚШ доллари.

Қашқадарё вилоятида жойлашган:

1. Чироқчи тумани, Ф.Хўжаев ширкат хўжалиги Кўкдала қишлоғи «Қарши — Самарқанд» трассасида жойлашган 18-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (18-КАЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 10202,0 АҚШ доллари.

2. Чироқчи тумани, Ф.Хўжаев ширкат хўжалиги, Айритом қишлоғида жойлашган 19-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (19-КАЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 12608,0 АҚШ доллари.

3. Деҳқонобод тумани, Кўкбулоқ ширкат хўжалиги, Ғузор қўрғони, Сочтепа қишлоғида жойлашган 32-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (32-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 18000,0 АҚШ доллари.

Сирдараё вилоятида жойлашган:

1. Гулистон шаҳрида жойлашган 1-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (1-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 19054,0 АҚШ доллари.

2. Ш.Рашидов туманида жойлашган 10-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (10-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 20657,0 АҚШ доллари.

Сурхондарё вилоятида жойлашган:

1. Сариосиё тумани, «МСО» қўрғони, Бинокор кўчасида жойлашган 25-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (25-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 17114 АҚШ доллари.

2. Термиз тумани, Жданов номидаги хўжаликда жойлашган 15-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (15-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 56014 АҚШ доллари.

3. Термиз тумани, Каптархона қўрғони, «Термиз — Ангор» трассасида жойлашган 16-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (16-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 30595 АҚШ доллари.

4. Музрабод тумани, Янгиобод шаҳри, «Янгиобод — Шеробод» марказий трассасида жойлашган 27-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (27-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 25969 АҚШ доллари.

5. Сариосиё тумани, Г.Хидиров хўжалиги, Дехкаландар қишлоғи, М-39 марказий трассасида жойлашган 26-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (26-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 26206 АҚШ доллари.

6. Жарқўрғон тумани, Оққўрғон хўжалиги, М-39 «Термиз — Душанба» трассасида жойлашган 19-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (19-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 25974 АҚШ доллари.

7. Денов тумани, С.Отабоев номидаги хўжаликда жойлашган 22-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (22-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 27673 АҚШ доллари.

8. Бойсун тумани, Сайроб шаҳри, «Чилонзор» кўчаси 5/5 уйда жойлашган 17-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (17-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 17978 АҚШ доллари.

Наманган вилоятида жойлашган:

1. Давлатобод тумани, Қўқумбой кўчасида жойлашган 24-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (24-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 51065 АҚШ доллари.

2. Уйчи тумани, Қизил Ровот қишлоғи, «Янгиариқ» кўчасида жойлашган 17-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (17-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 27147,0 АҚШ доллари.

Хоразм вилоятида жойлашган:

1. Хазорасп тумани, Питнак шаҳрида жойлашган 15-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси. (15-КАЁҚШ)

Бошланғич баҳоси — 27580,0 АҚШ доллари.

2. Хива тумани, Б.Нуриллаев ширкат хўжалигида жойлашган 14-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси. (14-КАЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 35444,0 АҚШ доллари.

3. Янгиариқ туманида жойлашган 16-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси. (16-КАЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 36599,0 АҚШ доллари.

Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган:

1. Чимбой шаҳрида жойлашган 54-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (54-КАЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 28350,0 АҚШ доллари.

2. Мўйноқ шаҳрида жойлашган контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (КАЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 26691,0 АҚШ доллари.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Имкониятингизни бой берманг!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси

Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17. www.uzrkmb.com

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Farruh HAMROYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 066

15855 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.50
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA